

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

**Юнусов Давронбек Бекмирза ўғли,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник ин-  
ституту тадқиқотчиси

**For citation:** Davronbek B. Yunusov. Historical analysis of geopolitical processes in Central Asia. 2019, vol. 1, issue 13, pp.15-23.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-02>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019*  
*Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

#### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнларнинг ижтимоий-сиёсий таҳлили, уларнинг назарий метадологик йўналишлари ҳамда Марказий Осиё давлатларида ҳозирда юз бераётган сиёсий ва ижтимоий жараёнлар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** минтақавий хавфсизлик, геосиёсий муносабатлар, назарий метадологик қарашлар, халқаро ҳамкорлик, тарихий бутунлик, минтақаларо ҳамкорлик, ўзаро минтақавий хавфсизликни таъминлаш.

### ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГЕОПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Юнусов Давронбек Бекмирза угли,**  
Исследователь Военно-технического института  
Национальной гвардии Республики Узбекистан

## **АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируется социально-политический анализ геополитических процессов в Центральной Азии, их теоретико методологические направления и текущие политические и социальные процессы в Центральной Азии.

**Ключевые слова:** обеспечение региональной безопасности, геополитические отношения, теоретико-методологические подходы, международное сотрудничество, историческая целостность, межрегиональное сотрудничество, взаимная региональная безопасность.

---

## **HISTORICAL ANALYSIS OF GEOPOLITICAL PROCESSES IN CENTRAL ASIA**

**Davronbek B. Yunusov,**

Researcher of the Military Technical Institute  
of the National Guard of the Republic of Uzbekistan

## **ANNOTATION**

This article analyzes the socio political analysis of geopolitical processes in Central Asia, their theoretical and methodological directions and current political and social processes in Central Asia.

**Key words:** ensuring regional security, geopolitical relations, theoretical and methodological approaches, international cooperation, historical integrity, interregional cooperation, mutual regional security.

---

Ҳозирги кунда Марказий Осиё геостратегик жойлашуви туфайли жаҳон сиёсатидаги ўрни ошиб бормоқда. Хартлэнд ва Римлэнднинг марказида жойлашган бу минтақа ўзининг бой табиати, энергетика ва минерал ресурсларига эгаллиги кўпгина давлатларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Марказий Осиёнинг яна бир геостратегик жиҳати, бу худуддан Буюк ипак йўлини ўтганлиги ҳамда геосиёсатда Осиё ва Европанинг боғловчи кўприк вазифасини бажаргани эътиборга молик.

Биринчи Президентимиз Марказий Осиё давлатлари ҳақида фикр билдирар экан, “Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамisha халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Марказий Осиё интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа эмас, бу — мавжуд воқеалик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир”[1].

Зеро, Марказий Осиё муаммолари ҳақида Биринчи Президенти-миз таъкидлаб ўтганидек, “Дунё қарийб юз йил давомида унутиб қўйган жўғрофий-сиёсий макон бугунги кунда ўзини янги сифати билан кўрсатмоқда ва бу сиёсий шароитда кутилмаган ўзгаришларни келтириб чиқаради. Айти пайтда бугунги кунда кўпгина мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини жалб этаётган Марказий Осиё уларнинг ташқи сиёсат йўли стратегиясини шакллантиришда муҳим ва ҳал қилувчи унсур бўлмоқда”, - деди[2].

Кейинги вақтда Марказий Осиё халқаро сиёсий ҳамда эксперт доираларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Кўплаб хорижий таҳлилий марказлар минтақа давлатларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётининг турли жиҳатларини таҳлил қилмоқда. Мисол тариқасида Марказий Осиё ва Кавказ Институту мутахассислари томонидан Ж.Хонкинс университети қошидаги Буюк Ипак йўлини ўрганиш Дастури доирасида тайёрланган “Марказий Осиё иқтисодиёти: 2015 йилгача картография истиқболлари” маърузасини келтириш мумкин.

Экспертларнинг таъкидлашича, 1-гурух давлатларидаги кўрсаткичларга углеводородларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш эвазига эришилади.

Марказий Осиё давлатлари саноати кўрсаткичлари ва имкониятлари қиёсланганда, ЯИМ энг юқори реал ўсиш миқдори Ўзбекистонда кузатилади. Қисқа муддатли истиқболда у йиллик 7 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ўсиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш хомашёвий қарамликка барҳам берилгани билан белгиланади.

Мутахассислар яқин келажакда МО давлатлари хомашё ва саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ортишини тахмин қилмоқда. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажми 588 долларни ташкил этади. Хомашё экспорти ҳажмининг кўпайиши (асосан энергия захиралар эвазига) 1-гурух мамлакатлари, саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ортиши 2-гурух мамлакатлар томонидан таъминланмоқда.

Тадқиқотда Осиё Тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банкининг маълумотларига таянган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларида қашшоқликнинг қуйидаги даражаси белгиланади: Тожикистонда – 56,6 %; Қирғизистонда – 47,6 %; Туркманистонда – 29,9 %; Қозоғистонда – 27,9 %; Ўзбекистонда – 27,5 %.

Маъруза муаллифлари фикрича, Марказий Осиё давлатларида сиёсий-иқтисодий ислохотлар ҳамда минтақавий ҳамкорлик йўлга қўйил-

ган тақдирда, 2008 – 2015 йилларда ЯИМ ҳажмининг ўртача 5 % ЯИМ жонбошига тўғри келадиган миқдори 889 доллардан 1871 долларгача кўпайиши мумкин. Саноат маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича Ўзбекистон минтақада етакчи ўрин эгаллаши тахмин қилинади. Жумладан, саноат маҳсулотлари ҳажми ҳозирги вақтдаги 800 млн доллардан 2,518 млрд долларгача кўпайди (қийёслаш учун ушбу кўрсаткич Тожикистон 390 млн., Туркманистонда – 830 млн., Қирғизистонда – 333 млн долларни ташкил этишини таъкидлаш мумкин).

Мутахассислар ушбу давр мобайнида минтақадаги қашшоқлик даражаси пасайиб, Тожикистонда – 33,2 %, Қирғизистонда – 30,1 %, Туркманистонда – 21,9 %, Қозоғистонда – 19,7 %, Ўзбекистонда – 17,8 фоизни ташкил этишини таъкидламоқда.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг ўсиши суръатлари яқин келажакдаги истиқболлари Халқаро Валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда (ўсиш суръатлари йиллик ўртача 8 % ташкил этиши кутилмоқда). Бундай баҳо ХВЖ Яқин Шарқ ва Марказий Осиё давлатлари департаменти катта маслаҳатчиси Д.Оуэннинг чиқишида яққол ифодаланган эди. Аммо Марказий Осиёнинг иқтисодий тараққиёти, куч-қудрати ва салоҳиятининг кучайиши унинг сиёсий асослари билан боғлиқ масалани кун тартибига қўяди.

Маълумки, ушбу минтақа Фарб ҳамда Осиё-Тинч океани давлатлари ташқи сиёсий устуворликлари рўйхатида муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда Вашингтон, Брюссель, Токио ва Пекин Марказий Осиёда ўз геосиёсий стратегияси ва манфаатлари мавжудлигини сир тутаётгани йўқ. Бу ўринда Катта Марказий Осиёни ташкил этиш стратегияси алоҳида аҳамият касб этади. Унинг бош мақсади – анъанавий Марказий Осиёни (Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон) Жанубий Осиёдавлатлари (Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Непал, Шри-Ланка) билан бирлаштиришдан иборат. 2000 йилда илгари сурилган ушбу лойиҳа турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда қайта ишланмоқда, тўлдирилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари тараққиёт йўллари ҳам турли туманлиги билан ажралиб туради. 80-йилларда бу республикалардаги аҳвол турлича бўлганлиги сабабли бошқарув моделлари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Тожикистонда “реал социализм”ни сақлаб қолишга уринишдан тортиб, Қирғизистонда либерал-демократик ислохотларнинг ўтказилишигача, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш усулидан тортиб, Қозоғистонда “бошқариладиган демократия” орқали иқтисодиётни эркинлаштиришгача ва Туркманистонда миллий-тоталитар тузумнинг барпо этилишигача

бўлган йўлларни кўриш мумкин. Марказий Осиё республикаларининг геосиёсий тавсифини таҳлил қилиб кўрамиз.

Марказий Осиёда ҳудудининг катталигига кўра Қозоғистон биринчи ўринда туради. Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев ўз даврида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини тузишнинг ташаббускори эди. XX асрнинг 90 йилларида шимолда қозоқлар кам, рус тилида сўзлашувчи рус ва бошқа миллат вакиллари кўпчилиқни ташкил қиларди. Президент ташаббуси билан 1997 йилда, қозоқ-рус бирлигини мустаҳкамлаш ва энг кучли жуз таъсирини сусайтириш мақсадида, пойтахт мамлакатнинг жануби-шарқий бурчагида жойлашган Олмаотадан кўпчилик аҳолиси руслардан иборат бўлган ва энг муҳим индустрал-аграр минтақада жойлашган Остона шаҳрига кўчирилди. Қозоғистонда давлат тўнтаришини сақлаб қолишнинг бир йўли Россия билан муносабатларини яхшилаш масаласи бўлган. Россия учун Қозоғистондаги “Байканур” космодроми катта ахамият касб этади. Қозоғистон геостратегиясида Каспий денгизи муҳим ўрин тутди. Қозоғистондан Сибиргача бўлган Каспий трубопровод консорциуми ёрдамида ўз нефтини Фарбга сотиши мумкин. Ҳозирги кунда этник кўпчилик қозоқлар қўлига ўтди. Бу эса қозоқларга яқин Мўғилистон ва Хитой муносабатларини ривожланишига олиб келди. Қозоғистоннинг бугунги кундаги Президенти К.Токаев айтганидай “Қозоғистон Россияга эҳтиёж сезади, айни пайтда Россия ҳам Қозоғистонга эҳтиёж сезади[3].

Тожикистон аҳолиси ҳам шу ўринда иқтисодий имконияти анча ночор аҳволда, шу муносабат билан у Россиянинг қўллаб қувватлашига кўпроқ эҳтиёж сезади. Кейинги йилларда Тожикистонда ички зиддиятлар доимо такрорланиб турибди. Тожикистон ва Россия муносабатлари хавфсизликни таъминлаш соҳасида кўпроқ ривожланган. Тожикистонда Россиянинг 201-мотоўқчи дивизияси, унинг чеғараларини ҳимоя қилишда ёрдам берди.

Қирғизистонда русий забон миллатлар кўпчилиқни ташкил қилади. Шунинг учун рус тилига Қирғизистон ҳукумати томонидан иккинчи давлат тили мақоми берилган. Иқтисодий ва хавфсизлик бора-бора интеграция мавжуд. Мамлакатда кўпчилиқни ташкил этган шимолий ва жанубий қирғизлар ўртасида рақиблик, шунингдек, жанубда қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида ҳам рақобат кучли хисобланади. 2000-2009 йилга мўлжалланган 10 йиллик иқтисодий ҳамкорлик амалга оширилди[4]. Қирғизистонда икки марта рангли инқилоб амалга ошди ва бунинг оқибатида ҳукумат ҳам ўзгарди. Лекин унинг ташқи сиёсати доимо Марказий Осиё давлатлари учун ўзгармасдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон қўшни мамлакатлар – Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини бажармоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини, яъни босқичма босқич эҳтиёткорлик билан ўтишни олдиға мақсад қилиб қўйди. Иқтисодий инқироз Собиқ Иттифоқ мамлакатлари ичида Ўзбекистонда энг паст кўрсаткични кўрсатгани таҳсинға сазовордир. МДХ давлатлари ичида ЯИМ жиҳатдан бешинчи ўринда туради. Давлат иқтисодиёти кўпроқ инвестицияларни жалб қилиш ҳамда импортдан кўра экспортни кўпайтиришға қаратилган. Қишлоқ хўжалигида СССР пайтидаги каби пахта монополиясидан воз кечиб, буғдой ва шунға ўхшаш сабзавот маҳсулотлари етиштиришға алоҳида урғу берди[5]. Аграр сиёсатдаги изчил ўзгаришлар натижасида бу маҳсулотларға бўлган талабни таъминлай бошлади. СССР даврида Ўзбекистонда нефт ишлаб чиқарилмаган. Ҳозирги кунда нефтни ишлаб чиқариб, уни экспорт қилишни яхши йўлга қўйган. Транскомуникациянинг 50% экспорти Россия территориясидан ўтади. Ўзбекистонни четға чиқиши учун яна бир муҳим ҳудуд Афғонистон орқали амалға ошади. Афғонистон эса, доимо ички сиёсати нотинч бўлганлиги учун транспорт алоқаларига ҳалақит беради. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг асосий муаммоси ҳавфсизликни таъминлаш ва бу, асосан, динийэкстремизм, терроризм ва сепаратизмдир.

Туркманистонда авторитар сиёсат мавжуд, бу, айниқса, Сапармурод Ниёзов сиёсатида кўринган. Туркманистон газ ишлаб чиқариш бўйича дунёда Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. У 23 трлн3 газ, 12 млрд тонна нефт захирасиға эға [6]. Йилиға 150 млрд3 газ ишлаб чиқаради ундан 100 млрд3 экспорт қилади. Собиқ Иттифоқ мамлакатлари парчаланган кейин унда газ захирасидан келадиган пул маблағи бўлган. Бу эса ўз ўрнида мустақилликдан сўнг янги аэродром ва сарой қурилишиға олиб келди. Пахта экиш 3% дан 50% га ўсишға эришилди[7]. Бу газдан келган маблағ эвазига юқори элита бойишиға ва ўз ҳалқини бепул сув ҳамда газни истеъмол қилинишиға имкон берди. Бу пуллар эвазига Собиқ Иттифоқ мамлакатлари ичида фақат Туркманистоннинг кредит ва ташқи қарзи йўқ. Аксинча Украина каби давлатлар унга доимий қарздор мамлакат бўлиб келмоқда. Туркманистон шарқ, ғарб, жанубнинг ёрдамиға муҳтожлик сезмагани учун ҳалқаро майдонда БМТ томонидан унга нейтрал давлат мақоми берилди. Туркманистонға МДХ давлатлари газнинг нарҳиға кам пул тўлаши сабабли, ўз газларини ғарбға сотишни режалаштирмоқда. Бундан Россия ҳам манфаатдор, чунки транскомуникация трубопроводлар ай-

нан унинг ҳудудидан ўтган. Мустақилликка эришилган дастлабки вақтларда Туркменистон ҳукуматида иқтисодчи ва сиёсатчи мутахассисларга бўлган эҳтиёж туфайли икки фуқароликни тан олиш ҳақида битим имзоланган. Ҳозир бу бўшлиқ тўлгандан кейин энди икки фуқаролик ҳақидаги битим ўзгармоқда.

Геосиёсатчи олимларнинг ҳозирги замонда қўйган саволларидан бири ким биринчи марта Марказий Осиё тушунчасини илгари сурган? Марказий Осиё яхлит минтақами ёки тарқоқми? Бошқа давлатлар учун буфер зонами ёки унинг статус квоси ўзгаряптими? Геополитик А. Дугин ўзининг “Геосиёсат асослари” асарида, Марказий Осиё минтақасини учга бўлади. Марказий Қозоғистон; қуруқликдаги Туркменистон ва Ўзбекистон; Тоғли Қирғизистон ва Тожикистон. Афғонистон ва Тожикистон чегараси жиддий линия сифатида қаралмаслиги керак. Бу ерда этномаданий, қабилавий ва минтақавий чегаралар асосий ўринда туради.[8].

Ҳозир биз кибертерроризм, агро ва биотерроризм таҳдидларига учрамоқдамиз. Замонавий хавфсизлик таҳдидларидан мафкураларни экспорт қилиш, ташқи махсус хизмат вакилларининг провакацияси, локал зиддиятлар, ўзаро этник, конфессионал ва иқтисодий махфий харажатлар ва ҳалқаро нодавлат ташкилотлар кўпаймоқда. Афғонистонда иқтисодий сиёсий ички муаммолар ва трансформация ва афғон жамиятини модернизациялашувига ҳалақит бермоқда. Россия-Қирғиз-Славян университети политология кафедраси профессори Александр Князев. Афғонистоннинг иқтисодий барқарорлиги АҚШ ёки Фарбий Европадан кўра бизга муҳим. Наркотрафика, терроризм, экстремизм Афғонистоннинг иқтисодий ижтимоий ҳолатининг қандайлиги билан ўзаро боғлиқ. Чегара районларининг савдо сотиқ ва иқтисодиётининг ривожланиши керак. Мисол учун 1930 йил Афғонистон чегаравий жойларида босмачилик ҳаракати авж олган. Шу ерларда иқтисодий барқарорлик қарор топиб, тинчлик ўрнатилган. Марказий Осиё шахсий хавфсизлиги ҳақида қайғулар экан, унда Афғонистон иқтисодини барқарор бўлиши ҳақида қайғуриши керак [9].

Афғонистондан Марказий Осиёга таҳдидлар:

1. Ноқонуний қуроллар бозорини авж олиши минтақавий қуролга эга ҳалқнинг кўпайиши.

2. Антиғарб ва антидавлат кайфияти маҳаллий аҳоли ичида авж олмақда бунинг оқибатида жанубий ҳудудларда Марказий Осиёга таъсир ошмоқда.

3. Афғонистонда ҳарбий сиёсий ва этник гуруҳлар ҳокимиятга интилишлари.

4. Наркотика ишлаб чиқариш кучаймоқда. Марказий Осиё таранзит йўли Марказий Осиё территорияси томонга кўчмоқда.

5. БМТнинг маълумотига кўра наркотика ишлаб чиқариш Афғонистон ЯИМнинг 52%ни ташкил этса, шундан 87% наркотика махсулотлари Марказий Осиёдан ўтар экан.

Афғонистонга ёрдам бериш масаласида Ўзбекистонда сезиларли даражада ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Сурхон-Ноибобод-Қобул” йўналиши бўйича электр узатиш линияси барпо этилди. “Хайратон-Мозори Шариф” темир йўлини лойиҳаси амалга оширилмоқда. Халқаро ташкилотлар барча Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари билан ҳамкорликда Орол денгизи ҳавзасини тиклаш дастурини амалга оширмоқда. Орол денгизида ҳосил бўлган чўл, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати, саломатлиги, генофондида салбий из қолдирувчи омиллар таъсири остида нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошховуз вилояти ва Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари балки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳам жойлашган[10].

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисидаги Семипалатинск (Қозоғистон) шартномаси 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинди ва Марказий Осиёдаги беш давлат раҳбарлари томонидан имзоланди.

Минтақада ғарбона демократия тарғиботи кучаймоқда, ҳар бир давлат ўзининг ментелитети, маданияти, ҳалқига қараб демократияни белгилаши керак. Марказий Осиё буюк давлатларнинг геополитикаси объекти бўлмаслиги керак. Унинг ресурслари ва иқтисодий имкониятлари фақат ўзиники бўлиши лозим. Хавфсизликни олдини олиш учун Марказий Осиё давлатлари қандай чора қўлласа мақсадга мувофиқ келади. Бу таҳдидларни ҳамма бир хил тушуниши ва бир фронтда уларга қарши курашиш керак. Бу минтақа давлатларининг миллий манфаатларини ҳурмат қилиш ва консенсус асосида фаолият олиб бориш аҳамиятга моликдир. Ўзаро ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланса, бу мажбуриятга барча содиқ қолиши даркор. Шунда миллий қизиқишлар ва бошқалар қарашларига ҳам зиён етмайди. Терроризмга қарши ғоявий, молиявий ва бошқа манбалар билан кўмаклашиш, ўзаро кўптомонлама методлар ишлаб чиқиш ҳамда самарали қоидалар яратиш долзарбдир. Миллий қизиқишларни ҳимоя қилиш учун сиёсий дипломатик қоидалар қўллаш, Марказий Осиё давлатларининг ички ва



ташқи барқарорлигини таъминлаш ҳамда минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш барчанинг умумий мақсадига айланмоғи лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 320 бет.(Karimov I.A. Uzbekistan is on the verge of 21st century security threats, guarantees of stability and progress. – Tashkent: Uzbekistan, 1991.320 p.)

2. Жўраев Н. Агар огоҳ сен – Тошкент: Ёзувчи, 1998. 194-бет. (Juraev N. If you warn – Tashkent: Writer, 1998. –P.194.)

3. Токаев К. Казахстан в мировом сообществе//Международная жизнь.2001.№7.с.47 (Токаев К. Kazakhstan in the world community // International life. 2001. No. 7. –P.47)

4. Акаев А. потенциал союзничества между Киргизией и Россией// Международная жизнь. 2002. №2. –С.5(Акаев А., the potential for alliance between the maidu of Kyrgyzstan and Russia // international life. 2002. No 2. –P.5)

5. Хуррамов А. Структурные преобразования и отношения собственности в аграрном секторе Узбекистана//Мировая экономика и международные отношения. 2000.№11. (Khurramov A. The structure of transformation and the relationship of seality in the agricultural sector of Uzbekistan // World Economy and International Relations. 2000. No.11)

6. Юданов Ю. Центральная Азия-новый фаворит иностранных инвесторов//Мировая экономика и международные отношения. 2000.№4. С. 102. (Yudanov Y. Central Azerbaijan 2000. No. 4. –P. 102.)

7. Ўша жойда. –С. 103. (Ibid. –P. 103)

8. Дугин А. Основы геополитика. -Москва: Арктория-центр,1999. –С. 354-355.(DuginA. Fundamentals of geopolitics. -Moscow: Arctic Center, 1999. –P. 354-355.)

9. Афганистан и безопасность Центральной Азии. –Бишкек, 2004. –С. 33.(Afghanistan and the security of Central Asia. – Bishkek, 2004 .–P. 33.)

10. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т-16. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 282-283 бет.(Karimov I.A. On the way to modernization of the country and sustainable development of our economy. Т-16. – Tashkent: Uzbekistan, 2008. –P. 282-283.)